


O'zbekiston


Kompozitsion Materiallar

Ilmiy-texnikaviy va amaliy jurnali



Узбекский научно-технический и производственный журнал
Композиционные материалы

Целлюлоза ва целлюлоза ҳосилаларининг ривожланиш истиқболлари



Тошкент кимё – технология институтида профессор Рахмонбердиев Ғаффор Рахмонбердиевич таваллудининг 85 йиллигига ва илмий – педагогик фаолиятининг 65 йиллигига бағишланган “Целлюлоза ва целлюлоза ҳосилаларининг ривожланиш истиқболлари” мавзусида Халқаро илмий – техникавий конференция бўлиб ўтди.

Конференция Тошкент кимё – технология институти ректори профессор Б.Ш.Усмонов, илмий ва инновацион ишлар бўйича проректор профессор Х.Л.Пўлатов, Тошкент давлат техника университети ректори профессор С.М.Турабжанов, академик С.С.Негматов, Россия Фанлар академиясининг Юқори молекуляр бирикмаси институти деректори профессор А.В.Якиманский, А.Куатбеков номидаги Қозоғистон халқлар дўстлиги университети ректори академик Р.А.Куатбекова ва бошқаларнинг чиқишлари билан бошланди.

Умумий мажлис ва асосий йўналишлар “Целлюлоза ва унинг ҳосилаларида”, “Целлюлоза сақловчи физиологик актив полимер системалар”, “Целлюлоза ва унинг ҳосилалари асосида композицион

материаллар”, “Целлюлоза қоғоз саноатида экологик муаммолар”, “Илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси” ва бошқа масалалар бўйича 170 га яқин ўзбек, рус, инглиз тилларида Ўзбекистон ва хорижий муаллифларнинг, шунингдек Тошкент давлат техника университети профессор – ўқитувчиларининг маъруза ва бошқа чиқишлари тақдим этилди.


Конференция материалларининг нашр этилиб тарқатилиши, мулоқот, тажриба алмашиш, тадқиқот йўналишларини белгилашда, айниқса ёш тадқиқотчиларга ҳаётида иш фаолиятларини белгилашда асқотади, рағбатлантиради. Китобда Ғ.Рахмонбердиевнинг фанга қўшган ҳиссаси, ахлоқий маданияти ҳақида муаллифларнинг фикрлари бор.

Профессор Ғ.Рахмонбердиев Республикада кўзга кўринган йирик кимёгар олим. Целлюлоза ва унинг ҳосилалари кимёси технологияси ривожланишига катта ҳисса қўшди. Пахта целлюлозасининг кимёси соҳасида янги бир йўналиш ривожлантирилди. 2004 йилда унинг ташаббуси билан институтда Марказий Осиёда ягона бўлган янги “Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси” кафедраси ташкил этилди ва унга мудир қилиб тайинланди. Бу кафедра ташкил этилгандан сўнг целлюлоза соҳасидаги илмий – тадқиқот ишлар янада ривожланиб, янги бир илмий йўналиш ривожлантирилиб, бир ва кўп йиллик ўсимликлар чиқиндиларидан кимёвий қайта ишлашга ярайдиган целлюлоза ва унинг асосида қоғоз, қоғоз маҳсулотлари ва ҳар хил ҳосилаларини олиш технологиялари ишлаб чиқарилди.

Унинг раҳбарлигида 10 нафар фан доктори, 23 нафар фан номзоди тайёрланган. Қозоғистон Фанлар академиясининг академиги, Россия табиий фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

Ҳасан Абдуназаров

Ғ.Рахмонбердиев талабчан ва шу билан бирга талабаларга меҳрибонлиги, одамийлиги, фидойилиги ва етук олимлиги билан обрў-эътибор қозongan. У шогирдларига, талаба ёшларга ва ҳамкасбларига доимо ўрнак бўлиб келмоқда. Катта ҳурматта сазовор бўлган табаррук устоз.



Юбилей. Рашидова Сайёра Шарафовна (к 80-летию со дня рождения).....	259
Юбилей. Мастура Искандарова (к 75-летию со дня рождения).....	261
Целлюлоза ва целлюлоза ҳосилаларининг ривожланиш истикболлари.....	263